



СОВЕТЛАР ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ҲАҚИДА

Амирдинов Жаҳонгир Абдумажидович

Самарқанд Давлат тиббиёт институти “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти
(тел: +99897 929 79 72; e-mail: amirdinov.jahongir@mail.ru)

Аннотация

В работе изучена переселенческая политика советской власти в Узбекистане, её влияние на социально-экономическую и культурную жизнь, внедрение чужих идей и идеалов в сознание местного населения, попытки уничтожения национальных ценностей, внедрение русского языка в качестве единственного государственного, негативные тенденции при создании единой советской нации в судьбе народов, живущих в бывших советских республиках.

Ключевые слова: внедрение «коммунистической идеологии», национально-культурные интересы коренных народов, национального вопрос, тоталитарная система.

Summary

In work the resettlement policy of the Soviet power in Uzbekistan, its influence on social and economic and cultural life, introduction of others ideas and ideals in consciousness of local population, attempt of destruction of national values, introduction of Russian as the only thing state, negative tendencies is studied during creation of the uniform Soviet nation in destiny of the people living in the former Soviet republics.

Key words: introduction of "communistic ideology", national and cultural interests of indigenous people, national question, totalitarian system.

Бугунги кунда жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида собиқ совет ҳокимияти йилларида олиб борилган миллий сиёсат, бу борада уларнинг собиқ иттифок республикаларида яшаётган миллатлар тақдири билан ҳисоблашмасдан ягона совет халқини яратиш борасидаги амалиётлари ва унинг салбий оқибатларини ўрганиш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар, маҳаллий миллат вакиллари орасидан малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, давлат аҳамиятига эга бўлган корхона ва ташкилотларда асосан бошқа миллатига мансуб кадрларнинг ишлаши ва бундан кўзланган мақсад

нима эканлиги каби муаммоларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларда миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш, халқ фаровонлиги ва турмуш шароитларини ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

XXI аср бўсағасида эришилган мустақиллик туфайли, Ўзбекистонда ҳам жиддий тарихий ўзгаришлар рўй бериб, “ўзига хос демографик вазият ғоят муҳим

хусусиятлардан бири¹ сифатида ўрганилиши ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳаққоний ечимини топа бошлади.

Маълумки, Россия империясининг Туркистонни босиб олиши республикамиз ҳудудига кўплаб миқдорда бошқа миллат вакилларининг кириб келиб жойлашишига асосий сабаб бўлди. 1920-1921 йилларда Россияда бошланган очарчилик йилларида яққол кўзга ташланди. 1921 йил сентябрь ойида РСФСРдан Туркманистон областларига 10 минг нафар бола келтириш ва тақсимлаб бериш, 200 минг оч қолганларни қабул қилиш ва уларни Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятларига тақсимлашдан иборат эди. 1920 йил октябрдан 1922 йил февралининг биринчи ярмига қадар Россиядан Туркистонга ташкилий йўл билан келган 113, 327 нафар аҳоли рўйхатга олинди, уларнинг 79 561 нафари руслар эди.² Ана шу ва бошқа сабаблар орқали Иттифоқнинг турли ҳудудларидан республикага таркиби турлича бўлган аҳоли кириб кела бошлади.

Миллий давлат чегараланишидан кейин Марказий Осиё ҳудудида жами 8.131.062 нафар аҳоли яшаганлиги рўйхатга олинган³. Ўзбекистон ССРда (Тожикистон АССР Ўзбекистон таркибида эди) 4.702.788 нафар аҳоли яшаган. Юқорида келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёда яшаётган аҳолининг деярли

ярмидан кўпроғи Ўзбекистон ССР ҳудуди таркибига киритилган.⁴

Совет ҳукуматининг ташаббуси билан Ўзбекистонга кўплаб миқдорда ишчиларнинг кўчириб келиниши муайян ижтимоий муаммоларни олиб келди, яъни республикада ишсизлар муаммоси пайдо бўлди.⁵

1939 йилги аҳоли рўйхати ўтказилганда Ўзбекистонда яшайдиган рус миллатига мансуб аҳоли сони 727,3 минг кишини ташкил этиб, 1926 йилги ҳолат билан таққосланганда 480,8 кишига, яъни қарийб уч баробарга кўпайган. Умумий аҳоли сонидан рус миллатига оид аҳолининг улуши 1926 йилда 6,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 1939 йилга келиб 11,5 фоизга кўтарилган. 1926 йилги аҳоли рўйхати пайтида Ўзбекистон ҳудудига собиқ СССРнинг турли ҳудудларидан кириб келган аҳоли сони республика умумий аҳолисининг 8,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 1939 йилга келиб, бу кўрсаткич 10 фоизга кўтарилган⁶. Республикада аҳоли сонининг ортиб боришига сабаб бўлган

⁴ Худаяров У.Ж. Аҳоли рўйхатининг жамият ҳаётида тутган ўрни. “Таълим фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни” мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг аъъанавий XII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. IV-қисм 15-17 бетлар. Самарқанд 2015.

⁵ ХУДАЯРОВ УКТАМ ЖУРАКУЛОВИЧ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРКИБИ (1925-1991 ЙЙ.) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ. Тошкент – 2020. 15-бет.

⁶ Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1960. – Б.112.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - Б. 12.

² Ўзбекистон Комсомоли (Ўзбекистон Комсомоли тарихидан очерклар). – Т.: Ёш гвардия, 1975. – Б. 71-72.

³ Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1960. – Б.394.

факторлардан бири – бу мустабид тузум раҳнамоларини миллатлар тақдири билан ҳисоблашмаслик, майда ва кам сонли миллат ҳамда элатларни менсимаслик, уларнинг тақдири ва турмуш тарзини ўз билганларича ҳал қилиш сиёсатини юргизганликлари сабаб бўлган эди. Масалан, 1937 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистонга 74 400 нафар корейс миллатига мансуб аҳоли зўрлаб кўчириб келтирилган⁷.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда аҳолининг Ўзбекистонга кўплаб миқдорда фаол миграцион ҳаракатлар орқали кириб келиши ва шу ерда яшаб қолиши кузатилади. В.Г Клеймонованинг маълумотига кўра, 1926 йилдан 1939 йилгача бўлган давр оралиғида республикага 650 000 нафар аҳоли кириб келган ва улар Ўзбекистон аҳолисининг 10 % ни ташкил қилган⁸.

СССРнинг бир қатор ҳудудларидан Ўзбекистон ССРга кўплаб миқдорда аҳолининг кириб келиши 1930-йилларга тўғри келади. Бунга сабаб Россияда бошланган очарчилик оқибатида, асосан, рус миллатига мансуб аҳоли кириб келган. Масалан, 1930 йилга келиб республикага 15 минг турли касб ишчилари кўчиб келиб, корхона ва ташкилотларга жойлашдилар. Биринчи беш йилликнинг ўзида Ўзбекистондаги йирик корхоналарда 57 минг ишчи ишлаган бўлса, шундан фақатгина 4 мингтаси маҳаллий миллат вакиллари эди, холос. Ўзбекистонга корхоналар

қурилиши учун 1933 йилда 3 062, 1934 йилда 3 500, 1935 йилда 3000 ишчи ва хизматчилар четдан кириб келдилар. 1933-1938 йиллар оралиғида Ўзбекистонга кириб келган 650 минг нафар ишчилардан 94,3 минг нафари Россиядан кириб келган ишчилар эди⁹.

Уруш йилларида Ўзбекистон марказнинг асосий саноат ва озиқ-овқат етиштириб берувчи базасига айланди. Бундан ташқари, бу ерга кўплаб миқдорда аҳоли кўчириб келтирилди. Эвакуация қилинган халқлар ва зўрлаб кўчирилган аҳолилар ўз бошларига тушган барча қулфатлар, беқиёс даражадаги оғирлик ва қийинчиликларни ўзбек халқининг беғараз ёрдами туфайли енгиб ўтиб, ўзларининг миллат сифатидаги қиёфасини сақлаб қолдилар.

Уруш йилларида ташқи миграция ҳисобидан аҳоли сонининг ўсиши кузатилади, биргина 1941 йилнинг кузидан 1942 йилнинг декабрь ойигача 786 866 киши Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Агарда, аҳолини ташқи миграция ҳисобидан кўпайишини бундан олдинги йиллар билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 1926 йилдан 1939 йилгача 650000 кишини, яъни республика аҳолисини 10 фоизини ташкил этган. 1940 йилдан 1971 йилгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 5881,4 кишига ортган бўлса, шундан аҳолининг табиий кўпайиши 4664,6, аҳоли миграцияси ҳисобидан кўпайиши эса 1216,8 минг кишини ташкил этган. Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли сони кўпайишининг 79,3 фоизи табиий кўпайиш ҳисобидан, 20,7 фоизи

⁷ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004. – С. 101.

⁸ Мулляджанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С.112.

⁹ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане. – С.100.

миграцион кўпайиш ҳисобидан бўлиб ўтган¹⁰.

Ўзбекистон ССР ХКК ва Ўзбекистон Компартияси МК сининг 1937 йил 25 ноябрдаги “Корейсларни Ўзбекистон ССРга кўчириш режасининг бажарилиши тўғрисида” ги 1813/278 -сон кўшма қарорида қайд этилишича, 1937 йил 10 ноябрга қадар СССР нинг Узоқ Шарқ ўлкасидан 74500 кишидан иборат 16307 корейс оиласи Ўзбекистонга кўчирилган эди¹¹.

СССР Олий Совети Президумининг 1944 йил 20 мартадаги 539 буйруғи билан чечен-ингушлар, 1944 йил 18 апрелда 725 к буйруғи билан болқорлар, 1944 йил 18 майда Иттифоқ Мудофаа вазирлиги буйруғи билан Қрим-татарлар ўз ватанларидан қувғин қилиндилар ва улар, асосан, Тошкент вилоятининг 13 та туманига жойлаштирилган эди¹². Уруш йилларида жами бўлиб, Қрим ярим оролидан 220233 киши, Қолмиқистондан - 90940, Шимолий Кавказдан - 575768, Гуржистондан – 94955 ва Волга бўйидан 949829 нафар немис миллатига мансуб киши, ҳаммаси бўлиб – 1733725 одам ўз ватанларидан зўрлаб кўчирилган эдилар¹³.

1944 йилги маълумотларга кўра, СССР Мудофаа вазирлигининг буйруғига асосан Ўзбекистонга 889,400 киши кўчириб келтирилган. 1944 йил 1 октябрга қадар Қримдан жами 147 170

аҳоли ўз яшаб турган жойларидан мажбурий равишда кўчирилди. Кўчириб келтирилганларнинг 18 444 таси корхоналарга, 18 881 таси колхоз-совхозларга жойлаштирилган. Бундан ташқари, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар, 4,5 минг нафар болқор, арман, греклар ана шундай қисматга дучор бўлган эдилар¹⁴. 1945 йил 1 июлгача Фарғона вилоятига Қрим ва Грузиядан кўчириб келтирилган 6569 оиладан 4322 оила колхоз аъзоллигига қабул қилинган¹⁵.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонга СССРнинг турли республикаларидан аҳолининг турли сабаблар билан кириб келиши ва бу ерда яшаб қолиши кузатилади. Республикага яшаш учун кириб келган аҳоли, асосан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудига жойлашадилар.

Бу йилларда, Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати ҳам нафақат минтақа аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди,¹⁶ балким демографик ривожланишда узилиш ва инқирозли демографик вазият пайдо бўлишига сабабчи бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмида республика мустақилликка эришгунига қадар, шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши жами аҳолининг табиий ўсиши суръатларига нисбатан паст даражада бўлса-да, жами аҳоли таркибида шаҳарликлар салмоғи

¹⁰ Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Ўзбекистон, 1973. –С. 112.

¹¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)

Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2019; 62-бет.

¹² Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида.

Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2011. – Б.515.

¹³ Ўша жойда. 510 бет.

¹⁴ Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930-1950йй.) // Ижтимоий фикр, 2002. – № 1. – 69.

¹⁵ Ўша жойда. – 70.

¹⁶ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. - Б. 75-76.

кўпайди. Бунинг сабаби, ташқи миграциянинг шаҳар аҳолиси динамикасига кучли таъсир кўрсатганлиги бўлди. Чунки мамлакатга келганларнинг ҳам кетганларнинг ҳам кўпчилиги шаҳарлар билан боғланган эди. Шундай бўлса-да, бу даврдаги миграция вазиятини бир ибора билан таърифлаб бўлмайди. Демографик жараёнларни ретроспектив таҳлили шундан далолат берадики, республикада 1960 – йиллардан то 1970 – йиллар ўрталаригача бўлган босқичда ички ва ташқи миграция фаол давом этган. Ташқи миграциянинг учдан икки қисми Россия худудига тегишли бўлиб, Ўзбекистонга келган аҳоли асосан Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига келиб кўним топган. 1961 – 1975 йилларда республикалараро аҳоли миграцияси қолдиғи Ўзбекистонда 341,7 минг кишига тенг бўлди.¹⁷ Шулардан 237 минг киши ёки 60,5 фоизи Россия Федерациясидан кўчиб келган кишилар эди.¹⁸

Мустабид тузум ҳукмронлиги йилларида мафқуранинг иқтисодиётдан, ижтимоий соҳадан устуворлиги, демографик жараёнлар хусусиятларини ҳисобга олмаслик ишсизлик келиб чиқишига ва аҳоли миграцияси муаммолари пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Шунингдек, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кўпаймасдан камайиб бориши ҳам маълум вақтдан сўнг мамлакат

иқтисодиётининг оқшаида асосий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса, республикамиздаги аҳоли сонига келиб қўшилувчи умумий миқдорнинг тобора камайиши демографик жараёнлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ экан, бу ўзгаришлар вақти келиб мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмайди, деб айта олмаимиз. Чунки, аҳоли сони билан бевосита боғлиқ ҳарбий соҳалар ҳамда меҳнат ресурсларининг сифати ва миқдори айнан худди шу жараёнлар фаолияти билан белгиланади.

Бирок, бундай вазиятда меҳнат ресурслари салоҳияти ва салмоғидаги ўзгаришлар жуда тезлик билан рўй беради дегани эмас. Демографик тадқиқотда кўрсатилишича, ҳозирги пайтда дунё мамлакатлари ҳаётида рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз нафақат, мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари, балки аҳолиси ўсиш суръатининг камайишига, аҳоли такрор барпо бўлиши босқичларининг ўзгаришига, демографик инқирозга олиб келиши мумкин.¹⁹ Ваҳоланки, ишчи кучи, моддий бойлик яратувчи кишилар сони кўп бўлиши ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай давлат учун фойдалидир. Бунга қулай демографик вазият, яъни туғилиш кўп, никоҳ муносабатлари барқарор, ўлим ҳодисаси кам ва аҳоли умумий сонига ташқи миграция жараёнининг таъсири бўлмаган ҳоллардагина эришиш мумкин. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг демографик ҳолати анча яхши бўлиб демографик ўтиш ҳеч қандай

¹⁷ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, «Ўзбекистан», 1983. – С. 212.

¹⁸ Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, «Ўзбекистан», 1983. – С. 212.

¹⁹ Тожиева З.Н. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ижтимоий-демографик масалалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2010, № 1-2. - Б.57.

узилишларсиз, бир текис ривожланмоқда. Бу ҳолат, давлат томонидан чуқур ўйланган, илмий хулосага асосланган демографик сиёсат юритилиши туфайли юзага келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - Б. 12.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. - Б. 75-76.
3. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Т.: Университет, 2004. - С. 101. Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. - Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1960. - Б.394.
4. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ, 2011. - Б.515.
5. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. - Т.: Узбекистан, 1973. - С.112.
6. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. - Ташкент, «Узбекистан», 1983. - С. 212.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2019; 62-бет.
8. Ўзбекистон Комсомоли (Ўзбекистон Комсомоли тарихидан очерклар). - Т.: Ёш гвардия, 1975. - Б. 71-72.
9. Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930-1950йй.) // Ижтимоий фикр, 2002. - № 1. - 69.
10. Тожиева З.Н. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ижтимоий-демографик масалалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2010, № 1-2. - Б.57.
11. Худаяров У.Ж. Аҳоли рўйхатининг жамият ҳаётида тугган ўрни. “Таълим фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни” мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. IV-қисм 15-17 бетлар. Самарқанд 2015.
12. ХУДАЯРОВ УКТАМ ЖУРАКУЛОВИЧ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАРКИБИ (1925-1991 ЙЙ.) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ. Тошкент – 2020. 15-бет.
13. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы // Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
14. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в



- формировании современного
гражданского общества
//Достижения науки и
образования. – 2020. – №. 3 (57).
15. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 712-721.
16. Makhmudova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 146-151.
17. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
18. Мажидов Ш. Ф. К вопросу об этнокультурной безопасности (на примере Центральной Азии) //Власть в логике и риторике межнациональных и межконфессиональных отношений. – 2017. – С. 78-81.
19. Мажидов Ш. Ф., Саидова Х. Реформы в сфере образования и личность преподавателя //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2007. – Т. 5.
20. Мажидов Ш. Развитие этнокультурных процессов в центральной азии и центральной европе: сравнительный анализ //Общество и этнополитика. – 2015. – С. 352-356.
21. Sabirovna S. G. Innovative thinking and heuristics //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 568-574.
22. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) //Міжнародний науковий журнал. – 2016. – №. 6 (3). – С. 94-96.
23. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) Концептуальные проблемы постнеклассического стиля научного мышления //В журнале опубликованы научные статьи по актуальным проблемам современной науки. Материалы публикуются на языке оригинала в авторской редакции. Редакция не всегда разделяет мнения и взгляды авторов. Ответственность за достоверность фактов, имен, географиче-ских названий, цитат, цифр и других сведений несут авторы публикаций. При использовании научных идей и материалов этого сборника, ссылки на авторов и издания являются обязательными. – 2016. – С. 94.
24. Махмудова А. Н. Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве //дистанционные возможности и достижения науки. – 2020. – С. 97.
25. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. Вопросы воспитания гармонично развитой молодежи в воззрениях джаидов и



International Journal For Advanced Research In Science & Technology

A peer reviewed international journal

www.ijarst.in

ISSN: 2457-0362

IJARST

- современность //Главный редактор. – 2017. – С. 90.
26. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 169-173.
27. Salizhonovna S. Y., Ziyodullaevna M. M. Issues of social justice and punishment in temur's structures //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 165-168.